

ЕР ХУҚУҚИ
фани бўйича
ТАҚДИМОТЛАР

Ер ҳуқуқи фани бўйича талабалар билимини рейтинг тизими асосида баҳолаш мезони

Жами ажратилган соат: 5410700 - ЕТ ва ЕК - **50 соат**

шу жумладан : маъруза - **10 соат**

амалий машғулот - **10 соат**

ЖН – 1 та - 36 балл,

ОН – 1 та, 34 балл (ФСМУ– **24 балл** ва **мустақил иш- 10 балл**),

ЯН – 30 балл (ассесмент)

“Ер ҳуқуқи” фанидан амалий машғулотлар 10 соат (5 та дарс) ўтилишидан келиб чиқиб 1-ЖН 2-5 дарсларда фаннинг календар тематик режасидан келиб чиққан ҳолда талаба амалий дарсларда бажарган топшириқ бўйича 0 балдан 8 балгача оралиғида жами 36 балгача баҳоланади.

“Ер ҳуқуқи” фанидан маърузалар 10 соат (5 та дарс) ўтилишидан келиб чиқиб 1-ОН 2-5 дарслар оралиғида ёзма иш (**ФСМУ-24 балл**) ва мустақил иш (**10 балл**) кўринишида олиниши белгиланган.

**2018-2019 ўқув йилининг бахорги семестрида ўтиладиган
маърузалар мавзулари**

№	Маъруза мавзуси	Ажратилган соат
1	Сув фонди ерларининг ҳуқуқий ҳолати	6
2	Захира ерларнинг ҳуқуқий ҳолати	4
	жами	10

15-Мавзу: СУВ ФОНДИ ЕРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

(4 соат)

Р Е Ж А:

- 1.Сув фонди ерлари тўғрисида тушунча ва унинг ҳуқуқий ҳолати умумий тавсифи.**
- 2.Сув фонди ерларидан фойдаланиш тартиби.**

15-мавзу. 1-маъруза:

**СУВ ФОНДИ ЕРЛАРИ ТЎҒРИСИДА ТУШУНЧА ВА УНИНГ
ҲУҚУҚИЙ ХОЛАТИ УМУМИЙ ТАВСИФИ**

РЕЖА:

- 1.Сув фонди ерлари тўғрисида тушунча.**
- 2.Сув фонди ерларининг ҳуқуқий ҳолати
умумий тавсифи.**

Маъруза машғулотини ўқитиш технологияси

Талабалар сони 98 нафар	15-мавзу.1-маъруза. 2 соат
Ўқув машғулотининг шакли	Маъруза-ахборот
Машғулотнинг режаси	1. Сув фонди ерлари тўғрисида тушунча. 2. Сув фонди ерларининг ҳукукий ҳолати умумий тавсифи
Машғулотнинг мақсади: Сув фонди ерларининг ҳукукий ҳолати тўғрисида умумий тасаввурни хосил қилиш	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
1. Сув фонди ерлари ва уларда юзага келадиган муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатлар тўғрисида маълумотлар беради; 2.Сув фонди ерлари ҳукукий ҳолати бўйича умумий тушунчалар беради.	1. Сув фонди ерлари ва уларда юзага келадиган муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатлар тўғрисида тасаввурга эга бўлади; 2.Сув фонди ерлари ҳукукий ҳолати бўйича умумий тасаввурга эга бўлади.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Маъруза, ақлий хужум
Ўқитиш воситалари	Доска, тарқатма материаллар
Ўқитиш шакли	Жамоа бўлиб ишлаш
Ўқитиш шарт шароити	Проектор ва компьютер билан жихозланган ўқув хонаси

МАЪРУЗАНИНГ ТЕХНОЛОГИК ҲАРИТАСИ

Иш босқичлари	Фаолият турлари	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотиغا кириш 20 дақиқа	<p>Гурухлар давомати назорат қилинади.</p> <p>Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот маъруза ахборот шаклида олиб борилиши маълум қилинади</p>	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 50 дақиқа	<p>2.1. Мавзу режаси асосий тушунчалар билан танишиб чиқиш таклиф этилади.</p> <p>2.2. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади.</p> <p>Мавзуга жалб қилувчи саволлар берилади.</p> <p>2..3. Мавзу режалари бўйича хулосалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари кераклиги ёдга солинади.</p> <p>3. Мавзунинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида тезкор сўров ўтказилади. (1-илова)</p>	<p>Ўқийдилар</p> <p>Тинглайдилар, асосий маълумотларни дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар</p> <p>Талабалар жавоб берадилар</p>
3 босқич Якуний босқич 10 дақиқа	<p>3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади. (2-илова)</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Топшириқни ёзиб оладилар</p>

МАВЗУНИ МУСТАҚИЛ ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН ТАВСИЯ ҚИЛИНАЁТГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР

Асосий:

1. Ben McFarlane, Nicholas Hopkins. Land Law: Text, Cases, and Materials. OUP Oxford, 2012
2. М.Х. Рустамбоев ва бошқ. Ер ҳуқуқи. – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2002. – 237
3. Земельное право республики Узбекистан. Учебник. Под. ред. М.Х. Рустамбаева. ҳуқуқи. Т.:ТДЮИ, 2007.-215 стр.
4. А.Нигматов. Ер ҳуқуқи. – Тошкент.: “Ислом Университети”, 2001. – 191б.
5. А.Нигматов. Земельное право. – Тошкент.: “Ислом Университети”, 2001. – 189 б.
6. Узоқова Г.Ш. Аҳоли пункти ерларидан фойдаланиш ҳуқуқи. Т.:ТДЮИ, 2006.-117 б.
7. М. Mirzaabdullaeva, A. Muqimov, Z. Xafizova. Yer huquqi, O'quv qo'llanma.- Т.:TIMI, 2016.-196 б
8. Земельное право: Учебник / С.А. Боголюбов, Э.А. Галиновская; Под ред. С.А. Боголюбова – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004.-400 стр.

Қўшимча:

9. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси (9-БОБ), Ўзбекистон, Т.:1998
10. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “[Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида](#)”.-Т.: Ўзбекистон, 1993
11. Ўзбекистон Республикасининг [қонун ости ҳужжатлари](#)

Интернет ресурслари:

1. [http:// www. colibri.ru/](http://www.colibri.ru/);
2. [http:// www. Lex.uz](http://www.Lex.uz)

Республика ҳудудида шаклланадиган сув манбалари тўғрисида қандай маълумотларга эгасиз?

Ўзбекистон ҳудудини кесиб ўтувчи энг сув артериялари бўлмиш Сирдарё ва Амударё ҳамда уларнинг ирмоқлари Ўзбекистондан ташқарида бошланади. Норин, Қорадарё, Сух, Чирчиқ, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё, Шерободдарё Ўзбекистоннинг йирик дарёлари ҳисобланади. Уларнинг кўпчилиги фақат ўрта ва қуйи оқимда Ўзбекистон ҳудудидан ўтади. Сирдарё ҳавзасининг сув йиғиш майдонида 38 куб километр сув тўпланади, унинг фақат 18 фоизига яқини Ўзбекистон ҳудудига тўғри келади. Амударёнинг сув йиғиш майдонидан тўпланган 79 куб километр сувнинг эса фақат 39 фоизга яқини Ўзбекистонга тегишли.

Республикада истеъмол қилинаётган сув миқдорининг 95 фоизи дарё ва сойлардан олинади. Сувни истеъмолчиларга ўз вақтида ва керакли миқдорда етказиб бериш мақсадида кўплаб канал, зовур, гидроузел, гидротехника иншоотлари, сув омборлари, доимий насос станциялари қурилган. Республикада қишлоқ хўжалиги суғорма деҳқончилига асосланган. Сув хўжалигида умумий сув сарфи **2500 куб метрдан** ортиқ бўлган **75 йирик канал**, умумий ҳажми **18,6 миллиард кубметр бўлган 53 сув ва 25 сел омборлари**, **32,4 минг километр хўжаликлараро каналлар** (унинг **9,4 минг километрга бетон қопланган**), **4889 насос агрегатлари ўрнатилган 1479 доимий насос станциялари**, **10180 тик дренаж ва сув чиқиш қудуқлари**, **30,4 минг километр хўжаликлараро коллекторлар мавжуд**. Сув иншоотларини ишлатиш (эксплуатация қилиш) ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш билан боғлиқ бўлган барча ишларни Ўзбекистон Республикаси сув ва қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг жойлардаги ташкилотлари бажаради.


Республика ҳудудида шаклланадиган сув манбалари тўғрисида қандай маълумотларга эгасиз?

Ўзбекистонда жами **250 га** яқин катта-кичик кўл бор. Амударё дельтасидаги энг катта кўл **Судочье кўли**дир. Ўзбекистон кўлларининг аксарият қисми тоғларда, 2000-3000 метр баландликда жойлашган. Тоғ кўлларининг сатҳи, одатда, 1 квадрат километрдан ошмайди. Текисликлардаги кичик кўллар Сирдарё ва Амударё қайирларида, Амударё дельтасида, суғориладиган воҳалар чеккаларида жойлашган. Уларнинг кўпи саёз. Пастлик жойларда ирригация шхобчаларидан чиққан ташлама – зовур сувларидан ҳам кўллар вужудга келган. Масалан, Арнасой ботиғида шундай сувлардан умумий майдони **17000 гектар**дан кўп бўлган йирик кўл ҳосил бўлган.


Каналлардан Ўзбекистонда асосан суғориш мақсадларида фойдаланилади. Мавжуд каналларнинг умумий узунлиги қарийб **160 минг километр шундан 22 минг километри хўжаликлараро каналлар**, қолган қисми хўжалик ички тармоқларидир.

Юқорида кўрсатилган сув фонди ерлари ва манбаларида авваламбор санитария қоидаларига риоя этиш, сув фонди ерлари атрофидаги ихота зоналарини, қирғоқларни муҳофаза қилиш лозим бўлади.


Ўрта Осиё мамлакатларида сувдан фойдаланишнинг ўзгариши



Ўзбекистон ҳудудида шаклланадиган сув ресурслари, км³



Ўзбекистон ҳудудида истеъмол қилинадиган сув ресурслари, км³



- Амударё ҳавзаси
- Сирдарё ҳавзаси
- Орол денгизи ҳавзаси бўйича жами

**Сувнинг
ишлаб
чиқариш
воситаси
сифатида
бошқалардан
фарқи
нимада?**

1. Сув инсон меҳнати маҳсули эмас. У суғориш ёки бошқа мақсаларда фойдаланилганда ишлаб чиқариш воситасига айланади.

2. Сувнинг заҳираси чегараланган, унинг ўрнини бошқа ишлаб чиқариш воситаси боса олмайди.

3. Уни узоқ масофаларга кўчириш жуда қийин, айрим ҳолларда эса умуман мумкин эмас.

4. Сувдан фойдаланиш махсус сув иншоотлари қуришни талаб қилади.

5. Сув фойдаланиш жараёнида тупроққа тўла сўрилади ва бошқа сув турларига (ер ости, буғланган, гиграскопик, кимёвий бириккан ва бошқа) айланади.

6. Сувдан оқилона фойдаланилган тақдирдагина у самарали ишлаб чиқариш воситасига айланади.

7. Сувдан самарали фойдаланишга ҳудуднинг табиий иқлим шароити таъсир этади.

**Ўзбекистонда
сув
муаммосининг
ўзига хослиги
ва
мураккаблиги
нималарда
намоён
бўлади?**

Қўшни мамлакатлар
ҳудудида жойлашган катта
аҳамиятга эга бўлган йирик
сув хўжалиги
иншоотларининг жойи учун
ижара тўлови (ҳар йили 15
млн АҚШ долларига яқин
миқдорида);

Республикада
ишлатиладиган сувнинг
ўртача 80 фоизи қўшни
давлатлар ҳудудида
шаклланади;

Суғориладиган
майдонларнинг қарийб 70
фоизи насослар ёрдамида
сув билан таъминланади;

Сув хўжалиги мажмуасига
ҳар йили 836 млрд сўмдан
ортиқ бюджет маблағлари
ажратилади (эксплуатацион
харажатлар), шундан 551,7
млрд. сўм электр энергия
харажатлари 123,7 млрд
сўм иш ҳаққини, 160,6 млрд
сўм мажбурий тўловлар ва
бошқаларни ташкил этади;

СУВ ФОНДИ ЕРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ ТУШУНЧАСИ ВА УМУМИЙ ТАВСИФИ

Сув фонди ерларининг ҳуқуқий ҳолати қайси ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади?

Сув фонди ерларининг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунчилик ҳужжатларида белгиланган. Бу ҳужжатлар жумласига Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида” қонунларини, Ер кодексини ва бошқ. киритиш мумкин. Ушбу қонунчилик ҳужжатларида сув фонди ерлари тушунчаси, улардан фойдаланиш ва муҳофаза этиш тартиби ҳамда шартлари белгиланган.

Мамлакатимиз ер фонди тизимида сув фонди ерлари мустақил тоифани ташкил этади. Бу тоифа ерларининг майдони **833.7 минг га** ни ёки умумий ер фондининг **1.86 %**ни ташкил этади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР ФОНДИНИНГ ТОИФАЛАРИ БЎЙИЧА
ТАҚСИМЛАНИШИ ТАҲЛИЛИ**

Т/р	Ер фондининг тоифалари	Умумий ер майдони, минг га		% ҳисобида	
		01.01. 2016 й.	01.01. 2018 й.	01.01. 2016 й.	01.01. 2018 й.
1	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	20388.8	20261,6	45,42	45,13
2	Аҳоли пунктларининг ерлари	219,2	221,2	0,49	0,49
3	Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар ерлар	906,6	857,1	2,03	1,91
4	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар	76,0	704,4	0,17	1,57
5	Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар	13,7	14,3	0,03	0,03
6	Ўрмон фонди ерлари	9773.0	11153,3	21,77	24,84
7	Сув фонди ерлари	833.3	833,7	1,85	1,86
8	Заҳира ерлар	12678.8	10846,8	28,24	24,16
	Жами ерлар:	44892,4	44892,4	100.0	100

Сув фонди
ерлари
тушунчаси
нимани
англатади?

1. Ер кодексининг 2-боб 8-моддаси 7-хатбошига кўра «**сув фонди ерлари - сув объектлари, сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар ва сув объектларининг киргоклари бўйлаб ажратилган минтакадаги ерлар ҳисобланади**».

2. Ер кодексининг 10-боб 77-моддаси 1-хатбошига кўра «**Сув хавзалари (дарёлар, кўллар, сув омборлари ва шу кабилар), гидротехника ва бошка сув хўжалиги иншоотлари эгаллаб турган, шунингдек сув хавзаларининг ва бошка сув объектларининг киргоклари бўйлаб ажратилган минтакадаги сув хўжалиги эҳтиёжлари учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда берилган ерлар сув фонди ерлари жумласига киради**».

```
graph LR; A((Амалдаги қонунчилик ҳужжатларига кўра сув фонди ерлари таркиби)) --> B(1-қисм); A --> C(2-қисм); A --> D(3-қисм);
```

**Амалдаги
қонунчилик
ҳужжатларига
кўра сув
фонди ерлари
таркиби**

1-қисм

2-қисм

3-қисм

**Сув
фонди
ерлари
таркиби
(1-қисми)**

Сув билан қопланган, яъни сув остида, тубидаги ерлардир. Буларга сув ҳавзалари, яъни дарёлар, кўллар, сув омборлари билан банд бўлган ерлар киради. Айтиш мумкинки, сув фонди ерларининг асосий қисмини сув билан қопланган ерлар ташкил этади. Сув билан қопланган ерлар деганда йил давомида доимо ёки йилнинг кўп қисмида сув тагида бўлган ерлар тушунилади. Қисқа вақт давомида – суғоришда, ёмғир вақтида, дарё тошган вақтда сув билан қопланган ерларни биз бу тоифага киритилмайди. Сув билан қопланган ерларга яна вақтинчалик суғориш каналлари, шўри ювиладиган майдонлар, бассейнларни ҳам киритиш мумкин эмас.

**Сув фонди
ерлари
таркиби
(2-қисм)**

Иккинчи қисм сув фонди ерларига гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаб турган ерларни киритиш мумкин. Сув хўжалиги иншоотлари деганда лотоклар, қувурлар, сув хўжалигига хизмат қиладиган маъмурий бинолар, туғонлар ва бошқалар тушунилади. Уларни жойлаштириш учун, албатта, ер участкалари ажратилиши лозим бўлади. Ана шу иншоотлар эгаллаган ерлар ҳам сув фонди ерларини ташкил этади.

**Сув
фонди
ерлари
таркиби
(3-қисм)**


Учинчи қисм сув фонди ерлари жумласига сув ҳавзаларининг қирғоқлари бўйлаб ажратиб қўйилган минтақалардаги ерлар киритилади. Бунга 20 метр кенгликдаги қирғоқ минтақалари, кемалар учун ажратилган минтақалар ҳамда муҳофаза қилиш учун ажратилган зоналар киради.

Давлат сув фонди ерларининг асосий хўжалик вазифаси сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш фаолиятига хизмат қилишдир. Шунинг учун бу ерларнинг ҳуқуқий ҳолати сув объектларининг ҳуқуқий ҳолати хусусиятларини акс эттиради.

**Сув фонди
ерлари ҳуқуқий
ҳолатидаги
хусусиятлар**

Кўпчилик дарёлар, магистрал каналлар ва коллекторлар, сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларининг, шунингдек ичимлик ва рўзғор сув таъминоти, аҳолининг даволаш ҳамда маданий соғломлаштириш эҳтиёжларига хизмат қиладиган манбалар махсус ҳимоя қилинади. Шу мақсадда қонун шундай сув ҳавзалари атрофида ҳимоя зоналари ташкил қилишни белгилайди. Хусусан, шундай жойларда санитария зоналари ўрнатилади.

Сув манбалари атрофида ташкил этиладиган санитария-муҳофаза зоналари



**“Сув ва сувдан
фойдаланиш
тўғрисида”**
қонуннинг 49-
моддасида
суғориладиган
ерларда сувдан
фойдаланишнинг
хусусиятлари
белгилаб
берилган

Сувдан фойдаланувчилар (сув истеъмолчилари)
бир вақтнинг ўзида ердан фойдаланувчилар ҳам
ҳисобланадилар

Ушбу тоифа ерлари каналлар, зах қочириш
тармоқлари ва мураккаб муҳандислик тизими билан
жихозланган

Суғориладиган ерлардаги контурларда жойлашган
сув фонди ерлари, хўжаликлараро каналлар ердан
фойдаланиш шаклидан қатъий назар яхлит сув
хўжалиги тизими сифатида эксплуатация қилинади,
давлат мулки ҳисобланади ва
хусусийлаштирилмайди

Дарёлар, магистрал каналлар, сув омборлари ва
бошқа сув завзаларининг қирғоқбўйи
минтақалари ер эгалари ва ердан
фойдаланувчилардан сув хавзаларини муҳофаза
қилиш мақсадида тегишли давлат ҳокимият
органларининг қарорлари асосида олиб қўйилиши
мумкин

Сув фонди ерларининг ҳуқуқий ҳолати тушунчаси ва умумий тавсифи

ЕК 77-моддаси

Сув таъминоти манбаларини муҳофаза қилиш зоналари ва уларни минтақаларга бўлишни белгилаш маҳаллий ҳокимият органларининг қарорларига биноан амалга оширилади.

Сув ҳавзалари қирғоқ минтақаларида ер ҳайдаш, мол боқиш, захарли-кимёвий моддалар қўллаш, ишлаб чиқаришга хизмат қиладиган қурилишлар қилиш, дам олиш базалари қуриш ман қилинади. Демак, сув фонди ерлари ҳуқуқий ҳолатидаги муҳим хусусиятлардан бири шундан иборатки, бу ерларда сув объектларига салбий таъсир кўрсатадиган хўжалик фаолият юритиш ва қурилиш ишлари олиб бориш таъқиқланади (**Ер кодексининг 77-моддаси**). Чунки, хўжалик фаолияти ёки қурилиш ишлари сувни ифлосланиши ва захарланишига олиб келиши мумкин. Шу сабабдан, бу ерлар алоҳида тартибда муҳофаза қилинади. Шунинг учун Ер кодексининг 77-моддасида белгиланишича, бундай ҳолатлар рўй берган тақдирда бу ерлар табиатни муҳофаза қилиш эҳтиёжлари учун ер эгаларидан ва ердан фойдаланувчилардан олиб қўйилиши мумкин.

Ички сувлар қирғоқ минтақаларида қурилмалар ва иншоотлар қуриш фақат тегишли ҳокимият идораларининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин. Бу қурилма ва иншоотлар сув хўжалиги мақсадларига хизмат қилиши лозим.

Сув фонди ерларининг ҳуқуқий ҳолати тушунчаси ва умумий тавсифи

Сувни муҳофаза қилиш зоналари доирасида чекланган хўжалик фаолияти юритишга йўл қўйилади. Бундай зоналарда қуйидагилар тақиқланади:

- Дарахт ва буталарни кесиш (парваришлар йўсинидаги ва санитария мақсадидаги кесиш бундан мустасно);
- Захарли кимёвий моддаларни қўллаш;
- Захарли кимёвий моддалар ва минерал ўғитлар омборларини қуриш;
- Харом ўлган чорва моллар кўмиладиган жойларни ташкил этиш;
- Чиқиндиларни сақлаш ва кўмиш;
- Канализация-тозалаш иншоотлари ва оқова сувлар ташланадиган иншоотлар қуриш;
- Чорвачилик ва паррандачилик мажмуаларини жойлаштириш, шунингдек суғориш учун “шарбат” (суюқ гўнг) ишлатиш;
- Автомобил транспортини қўйиб туриш, уларга ёнилғи қўйиш, уларни ювиш ва таъмирлаш жойларини ташкил этиш;
- Нефт маҳсулотлари омборларини ташкил этиш;
- Зиғир, каноп ва тери ювиш.

Соҳил бўйи минтақаларида **ЕКнинг 77-моддаси**да назарда тутилган чеклашлар ва тақиқлардан ташқари қуйидагилар тақиқланади

Минерал ва органик ўғитларни қўллаш

Чорва молларини ўтлатиш

Ҳар қандай турдаги қурилиш, сув хўжалиги объектларини қуриш бундан мустасно

Белгиланмаган жойларда қайиқлар боғлаб қўйиладиган жойлар ташкил этиш

Сув фонди ерларининг ҳуқуқий ҳолати тушунчаси ва умумий тавсифи

Аҳоли пунктлари ҳудудида хўжаликлараро ер тузиш ва режалаштириш ўтказилаётганда сувни муҳофаза қилиш зоналарининг, соҳил бўйи минтақаларининг ва сув объектлари санитария муҳофазаси зоналарининг чегараларини ўзгартириш табиатни муҳофаза қилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги органлари ҳамда санитария назорати органлари билан келишиб олиниши лозим.

Сувни муҳофаза қилиш зоналари ва соҳил бўйи минтақалари режими ер усти ва ер ости сувларининг ҳосил бўлиш зоналарига ҳам тадбиқ этилади.

Сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари, сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари ҳамда ер усти ва ер ости сувларининг ҳосил бўлиш зоналарини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби ҳамда шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади (**“Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида” қонуннинг 6-моддаси**).

Умуман олганда, сув фонди ерларидан, сувлар ва сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартлари **“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 19-моддаси** талабларига мос келиши ҳам лозим.